

Аё Хак танлади сизни хама ахли сафолардан,
Кўтарди рутбангизни анбиёу авлиёлардан,
Мукаррам айлади дунёда барча подшолардан,
Эрур чун хоки пойингиз баланд аршу самолардан,
Эмасмиз гарчи холи журму исёну хатолардан,
Юзингизни ўгирманг, Мустафо, биздек гадолардан.

Жахолат, зулму зулмат ичра эрди жумла инсонлар,
Хурофот, ширку бидъатларга чалкаш эрди иймонлар,
Аёл зотин билиб ишрат матоси ёки шайтонлар,
Хукук йўк, маърифат йўк, хам окарди бегунох конлар,
Бари махв ўлди калбингиз таратган ул зиёлардан,
Мухаммад Мустафо, юзни ўгирманг биз гадолардан.

Хама умр ичра кўнгиларга эзгулик улашдингиз,
Хамиша илму иймон, яхшилик донини сочдингиз,
Бани одамни жаннатга етирмок чун курашдингиз,
Хакийкатни баланд этмок йўлида жонни тикдингиз,
Хаётингиз иборат бўлди бу меҳнат, жафолардан,
Мухаммад Мустафо, юзни ўгирманг биз гадолардан.

Ишонмай сизга тухматлар килибдур бир неча нодон,
Гахи сохир, гахи окил дейиб, гах айтди деб ёлгон.
Бари йўк бўлди, лекин бархаётдир суннату Куръон,
Буни англаб етар ким гар тааммул айласа бир он.
Етибдур сизга кўп озорлар ахли хаволардан,
Мухаммад Мустафо, юзни ўгирманг биз гадолардан.

Нечукким, бўлдингиз бир нуру раҳмат икки дунёга,
Жамиъи инсу жинни даъват айлаб дийни гаррога,
Етиб бу дийн нури бахру бар, дарёу сахрога,
Муносиб бўлди уммат жаннати Фирдавсу Маъвога,
Омонлик топдилар турли машаккат хам жазолардан,
Мухаммад Мустафо, юзни ўгирманг биз гадолардан.

Мунаввар бўлди Юртим сиз туфайли хам гўзал, обод.
Олиб хам тарбиянгиз топди халким хулки хуш, одоб.
Етишди окибат илму амалда мисли йўк авлод,
Хама дунё элига бўлдилар хар сохада устод.
Ким этса иктидо сизга, бўлибдур муктадолардан,
Мухаммад Мустафо, юзни ўгирманг биз гадолардан.

Не бахтки, Хак таолонинг Ўзи сизга халил ўлмиш,
Унинг Мўъжиз Каломи то абад сизга далил ўлмиш,

Сизи ким хўрлар истар, икки дунёда залил ўлмиш,
Валекин, шаънингиз онча мукаррам ҳам жалил ўлмиш,
Агарчи бўлмадик сизга бу дам ахли вафолардан,
Юзингизни ўгирманг, Мустафо, биз бенаволарлардан.

Качон эргашди уммат доимо Куръону суннатга,
Курашди жону моли бирла карши ширку бидъатга,
Эришди окибатда ўхшаши йўк кучу кудратга,
Мувофик бўлди охир яъни «кунтум хойро уммат»га,
Жахон ўйгонди сиздан янграган кайнок нидолардан,
Юзингизни ўгирманг, Мустафо, биз бенаволардан.

Валекин, ушбу кун биз умматингиз хоби гафлатда,
Тополмай бир ёруглик нотавонмиз жахлу зулматда,
Умид – ул ваъдаи Хак: колмагаймиз ушбу холатда.
Эрурмиз олдингизда килмишимиздан хижолатда,
Эмасмиз гарчи холи журму исёну хатоларлардан,
Юзингизни ўгирманг, Мустафо, биз бенаволардан.

1431 хижрий йил, Робиъул аввал
ойи 2010 милодий феврал ойи
Хасанхон Яхё Абдулмажид

Ё Расулаллох!

Эрурсиз барча оламларга рахмат, ё Расулulloх!
Эгибдур сизга бош ахли рисолат, ё Расулulloх!
Кудумингиз бериб Ийсо башорат, ё Расулulloх!
Ёпилди Сиз билан боби нубувват, ё Расулulloх!
Башар то рўзи махшар сизга уммат, ё Расулulloх!

Келибдир наслингиз Одам атодан пок фитратда,
Кимики сулбида сиз келдингиз, у иззу хурматда,
Коринларким кўтармиш нурунгиз, бори шарофатда,
Азалда рухингиз Хак кошида дўстликда, хуллатда,
Сизинг-ла топди Одам насли иззат, ё Расулulloх!

Жахонга сиз етимлик доғи бирлан келган эрдингиз,

Она корнидаёк сиз отадан айрилган эрдингиз,
Гўдак кўз ла падар кабрин кўрарга борган эрдингиз,
Ано бирлан кетиб, уйга аносиз кайтган эрдингиз,
Яратмиш сизда Хак чексиз матонат, ё Расулуллох!

Тушибдир сизга энг сўнгги Китоб, сўнгги паямбарсиз,
Набийлар касрини бут айлагувчи гишти акбарсиз,
Кўйиб бош саждага, йиглаб, шафоатхохи махшарсиз,
Тутарсиз музтар уммат лабларига оби кавсар сиз,
Бу сувдан кайтарилгай ахли бидъат, ё Расулуллох!

Отингиз янграр Аллох исми-ла минбар, минорлардан,
Буюкдир шаънингиз дунёдаги барча киборлардан,
Топиб эллар шарофат пойингиз босган губорлардан,
Нажот инсониятга келди сиз берган карорлардан,
Оёгингизни ўпган топди хурмат, ё Расулуллох!

Башардан бир вакил сиз сайр этибсиз икки оламни,
Топар икки жахон, бош эгса ким, бой бермаин дамни,
Кимики сизга душманлик килибдир, истамиш гамни,
Худо «таббат ядо» деб хукм килмиш ундай одамни,
Топибсиз Арши Аълодан химоят, ё Расулаллох!

Имом бўлдингиз Исрода паямбарларга Аксода,
Худо «меzbону», сиз «мехмон» бўлибсиз Арши Аълода,
Малаклар тўшамиш сизга канотин олий маъвода,
Келибдир сизга Жибрил «коба кавсайни ав адно»да,
Пойингизга кўяр бош ахли жаннат, ё Расулуллох.

Гўзал ахлокингизким айна Куръони Карим ўлди,
Эрур Куръон азим, бас, хулкингиз «хулки азим» ўлди,
Ўзингиз пок, сўзингиз поку калбингиз салим ўлди,
Ёнингизга келиб душман, ажаб, дўсти хамим ўлди,
Даво топди сизинг-ла барча иллат, ё Расулуллох!

Сўзу холу амал, тақрирингиз бизларга суннатдир,
Емак-ичмак, ўтирган-турганингиз бори ибратдир,
Худонинг амри биздан доимо сизга итоатдир,
Кўнгилда сизни севмокнинг ўзи хам бир ибодатдир,
Ёмону яхшида сизга мухаббат, ё Расулуллох!

Гунохкор кўзларим кўрса, танир кош-кўзларингизни,□
Гўзал комат, муаттар жисму порлок юзларингизни,□
Кулоқлар ўзгача тинглар эшитса сўзларингизни,□
Нечукким ўрганибдир дил кеча-кундузларингизни,□
«Набийим», дейди тил, кўз кўрса «сурат», ё Расулуллох!□

Тушимда сизни кўрсам, розиман гар кайтмаса жоним,□
Овозингиз эшитсам, сўнгра гунг бўлсам йўк армоним,□
Кўлингиз ушласам, майли, томирда котса сўнг коним,□
Висолингиз учун курбон мухаббат бирла иймоним,□
Бисотимда йўк ўзга яхши курбат, ё Расулulloх!□

Шафоатни дейибсиз умматимдан журм килганга,□
Гапирса жаннат ахли не сабабли кирганин анга,□
Шафоат-ла фахрлангум шахидлик бирла кирганга,□
Гунохкор умматингиздан килибдир, шукр Рохманга,□
Нечукким сизга келтирдим шаходат, ё Расулulloх!□

Бугун бу осий уммат олдингизда кўп хижолатда,
Унутмиш суннатингиз, сийратингизни жахолатда,
Шу боис боши колмиш юз балою зулму зулматда,
Килур аҳд бўлгали бўлган каби даври саодатда,
Магар сиздан тиларлар бир шафоат, ё Расулulloх!

1431 хижрий йил, Робиъул аввал
ойи 2010 милодий феврал ойи
Хусайнхон Яхё Абдулмажид